Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак

Туркистон

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

1997 йил 29 октябр Чоршанба.
№ 84 (14476)

ЭЪТИРОФ

Қувайт Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасида алоҳида мавқега эга эканлигини чуқур англайди ҳамда у билан барча соҳалардаги алоқаларни ривожлантиришдан манфаатдордир. Шу ўринда бу икки мамлакат ўртасидаги алоқалар тобора ривожланаётганлигини ҳам алоҳида таъкидламоқ даркор. Айниқса, таълим соҳасидаги алоқаларимиз тахсинга лойиқдир. Биз бу ерга ана шу алоқа ва ҳамкорликни янада ривожлантириш ҳамда кенгайтириш мақсадида келдик. Ва бундай алоқалар Ўзбекистон томонини ҳам қизиқтираётганлиги, тарафдор эканлиги бизни бағоят қувонтирди.

Биз Ўзбекистоннинг Марказий Осиё минтақасини ядросиз зонага айлантиришдаги ташаббус ва саъй-ҳаракатларидан яхши хабардормиз ва қўллаб-қувватлаймиз.

Талол МУБОРАК,
Қувайт давлати Миллий Ассамблеяси раисининг ўринбосари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Р. ЧАГАЕВГА «ЎЗБЕКИСТОН БЕЛГИСИ» КЎКРАК НИШОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ватанимиз обрўсини, шон-шуҳрати ва шарафини юксалтиришга қўшган улкан ҳиссаси ҳамда дунё миқёсида эришган катта ютуқлари учун бокс бўйича жаҳон чемпиони Руслан Чагаевга «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил 28 октябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

А. ГРИГОРЯНГА «ЎЗБЕКИСТОН БЕЛГИСИ» КЎКРАК НИШОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимиз обрўсини, шон-шуҳрати ва шарафини юксалтириш йўлидаги катта хизматлари ҳамда жаҳон миқёсида эришган улкан ютуқлари учун профессионал бокс бўйича жаҳон чемпиони, «Олтин камар» соҳиби Артур Григорянга «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил 28 октябрь

Ўзбекистон — Венгрия

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ САРИ

Бугун, 29 октябрда Венгрия Республикаси Президенти Арпад Гёнцнинг Ўзбекистонга расмий ташрифи бошланди

Венгрия Марказий Оврупонинг қоқ марказида жойлашган (майдони 93 минг кв.км, аҳолиси 10,5 млн.киши) бўлиб, Украина, Руминия, Словения, Хорватия, Югославия Иттифоқдош Республикаси, Австрия ва Словакия давлатлари билан чегарадош.

Венгрия Республикаси 1955 йилдан бошлаб БМТнинг аъзоси, 1975 йилдан бошлаб Оврупо Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо, 1990 йилда эса Оврупо кенгаши аъзоси. 1991 йилда Оврупо Иттифоқига шартли аъзолиги тўғрисида битим имзоланган. НАТО ва Ғарбий Оврупо Иттифоқига аъзо бўлиш — Венгрия ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир.

1992 йилда республика Бош вазири бошчилигидаги Ўзбекистон ҳукумати делегациясининг Венгрияга визити бўлди. Ташриф давомида имзоланган ҳужжатлар ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг янада кенгайиши учун асос бўлиб хизмат қилди. Ўзбекистонни қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, дори-дармонлар, автобуслар ва уларнинг эҳтиёт қисмлари билан таъминлаш тўғрисидаги аниқ шартлашувларга ҳам эришилди.

1993 йилнинг октябрида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги Венгриянинг Москвадаги элчихонаси, Венгрия Республикасининг турдош вазирлиги ва венгер фирмаси «Эконо Контакт»нинг фаол ҳамжиҳатлигида Тошкентда ўзбек ва венгер бизнесменлари иштирокида бизнес-семинар ўтказилди. Бу ва бошқа тадбирлар икки мамлакат маҳсулот айирбошлашининг кенгайишига ёрдам берди. Биргина шу йилнинг биринчи ярмида Ўзбекистон ва Венгрия ўртасидаги товар айирбошлаш 30,5 млн. АҚШ долларини ташкил этди.

Бугун ишонч билан айтиш мумкинки, венгер тадбиркорларини ўзбек бозори, унинг бой заҳиралари ва имкониятлари жиддий жалб этмоқда. «Медимпекс» ва «Велтра» каби ширкатлар ўзбек ҳамкасблари билан дори-дармон ва тиббиёт препаратлари келтириш борасида шартномалар имзоладилар. Республикада тўртта венгер ширкатининг ваколатхонаси рўйхатдан ўтган. Тикувчилик маҳсулотлари, яхна ичимликлар ишлаб чиқариш, савдо операциялари билан шуғулланувчи беш қўшма корхона — «Диёра ЛТД», «Файз ЛТД Текстил», «Ревина», «ТПМ-Информ», «Шифобахш булоқ» муваффақият билан ишламоқда.

Венгрия Республикаси Президенти Арпад Гёнцнинг Ўзбекистонга биринчи расмий ташрифи, сўзсиз, мамлакатларимиз ўртасидаги давлатлараро алоқаларнинг ривожланишига, Ўзбекистон ва Венгриянинг ўзаро манфаатли ҳамкорлигига янги туртки беради.

Аслом АКБАРОВ,
«Жаҳон» АА мухбири

ЗАФАР МУБОРАК, РУСЛАН!

Венгриянинг Будапешт шаҳрида бокс бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма командаси ҳам фаол иштирок этгани, андижонлик Руслан Чагаев барча рақибларини мағлубиятга учратиб, чемпионат олтин медали ва жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритгани тўғрисидаги хушхабар мамлакатимиз бўйлаб тарқалди.

28 октябрь куни эрталаб таниқли спортчилар, жамоат ташкилотлари вакиллари, мухлислар, боксчиларимизнинг ёру биродарлари Венгриядан қайтаётган республика терма командаси аъзоларини кутиб олиш учун Тошкент аэропортига чиқди.

Республика Жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Баҳодир Махситов, бокс Федерациясининг президенти Ўктам Исмоилов спортчиларимизни табриклаб, уларга янги зафарлар тилади.

Профессионал боксчилар орасида беш карра жаҳон чемпиони Артур Григорян Руслан Чагаевга гулдаста тутар экан, уни дастлабки улкан ғалаба билан самимий қутлади.

-Чемпионатдаги муваффақиятимиз чакки бўлмади,- дейди мамлакат бокс терма командасининг бош тренери Владимир Шин. - Спортчиларимиз ўн икки вазн тоифасида мусобақалашди. Уларнинг беш нафари - Алишер Раҳимов, Темур Туляков, Тўлқин Турғунов, Дилшод Ёрбеков ва Руслан Чагаев дастлабки беллашувларда ғолиб чиқиб, чорак финалда қатнашиш ҳуқуқини олди. Бу жангда Руслан италиялик Франгамени Киованно билан куч синашди. Учрашув ҳамюртимиз учун енгил бўлмади. Чунки рақибининг бўйи пастроқ бўлса-да, жисмонан анча бақувват эди. Аммо Руслан мустаҳкам ирода эгаси бўлгани, қолаверса, масофадан туриб ҳаракат қилиш қобилияти кучли бўлгани учун ҳам 18:4 ҳисобида ғалаба қозонди.

Р.Чагаевни ҳам суҳбатга тортдик:

- Чемпионатда ўтказилган тўрт учрашувдан қайси бири оғирроқ кечди?

- Бирорта учрашув ҳам енгил бўлди, дея олмайман. Чунки барча рақибларим ҳам кучли эди. Айниқса, ярим финалда германиялик Мики Ханке билан учрашув жуда кескин ўтиб, 9:2 ҳисобида якунланди.

- Ҳар бир спортчи мусобақага катта орзу ва умид билан боради. Сиз ҳам ушбу мусобақада жаҳон чемпиони бўлишни тасаввур этган эдингизми?

- Рингга тушгандан кейин фақат битта мақсад - ғалаба учун курашилади.

- Ғолиблик шоҳсупасига чиққанда, давлатимиз мадҳияси янграб, Ватанимиз байроғи кўтарилганида қалбингиздан қандай туйғулар ўтди?

- Мустақил Ўзбекистон фуқароси бўлганимдан чексиз фахрландим. Кўз ўнгимда устозларим, менга ишонч билдириб сафарга йўллаган ёр-биродарларим гавдаланди. Финалда, энг кучли рақиб билан учрашув чоғида ҳам уларни доим ўзим билан бирга, елкадош ҳис этдим. Бу эса кучимга-куч, ғайратимга-ғайрат қўшди.

Б.МАНСУРОВ,
ЎзА мухбири

Шеърият ихлосмандлари диққатига!

"Туркистон" газетаси таҳририяти ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамкорлигида газетамиз қошида ташкил этилган "Шеърият сабоқлари" мактаби ўз машғулотларини - 7 ноябр жума куни соат 15.00 да бошлайди.

Шеърият сабоқларини Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг ёшлар билан ишлаш бўйича ўринбосари Муҳаммад Юсуф олиб боради.

"Шеърият сабоқлари" бу — ёш истеъдодлар ўз ижодий машқларини таниқли олимлар ва шоирлар назаридан ўтказмоғи ва ажойиб мушоираларнинг гувоҳи бўлмоғи учун қулай имкониятдир.

Ҳар бир машғулотдан сўнг энг сара ижод намуналари газетамизда чоп этиб борилади.

СЕВИМЛИ ГАЗЕТАЛАРИМИЗНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙЛИК!

Навоий Давлат кончилик институти профессор -- ўқитувчилари ва талабаларининг вилоят корхоналари, ташкилотлари ҳамда муассасалари, шунингдек ўқув юртлари ўқитувчилари ва талабаларига

МУРОЖААТИ

Қадрли юртдошлар!

Олий Мажлиснинг яқинда бўлиб ўтган сессиясида таъкидланганидек, тўртинчи ҳокимият саналган оммавий ахборот воситалари демократия тараққиётида катта аҳамиятга эга.

Республикамизда амалга оширилаётган ислоҳатлар оммавий ахборот воситалари олдига янги вазифалар қўймоқда. Улар аҳолининг янгича тафаккури ва дунёқарашини шакллантиришда ҳаракатлантирувчи восита вазифасини ўташи, эркин бўлиши, одамларнинг фикр ва хоҳишларини ҳаққоний ифодалаши, уларнинг манфаатларини изчил ва фаол ҳимоя қилиши лозим.

Оммавий ахборот воситалари, журналистлар доимо демократияни, ислоҳатларни ривожлантиришда фаол иштирок этиб келганлар. Аҳоли уларнинг маънавият ва маърифатни ривожлантириш ҳамда тарихий қадриятларимизни тиклашга қўшган ҳиссасини юксак баҳолайди.

Кейинги йилларда ноширлик, транспорт ва бошқа хизмат турларининг нархлари ошганлиги туфайли даврий нашрларнинг баҳоси ҳам анча кўтарилди. Аҳолининг кўпгина қатламлари газета ўқиш имконидан маҳрум бўлди. Бу уларнинг воқеалардан хабардорлигини, маънавиятини қашшоқлаштирди.

Биз, Навоий Давлат кончилик институти профессор -- ўқитувчилари ва талабалари вилоят "Дўстлик байроғи" ва "Знамя дружбы" газеталари ҳамда республика ёшлари "Камолот" жамғармасининг "Туркистон" газетасини ўзимизнинг энг яқин маслаҳатчиларимиз, ёрдамчиларимиз ва мураббийларимиз деб билган ҳолда 1997 йил ноябр ойида ҳашар ўтказиб, тушган маблағ эвазига "Дўстлик байроғи", "Знамя дружбы" ҳамда "Туркистон" газеталарига обуна бўлишга қарор қилдик.

Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари! Вилоят зиёлилари, ўқув юртлари ўқитувчи ва талабалари! Вилоят ёшлари!

Сизларни мазкур тадбирга қўшилишга -- вилоят нашрлари ва республика ёшлари газеталарини қўллаб-қувватлашга қаратилган ҳашарда фаол иштирок этишга чақирамиз.

Мурожаат Навоий Давлат кончилик институти профессор-ўқитувчилари ва талабаларининг умумий йиғилишида қабул қилинган.

«Дўстлик байроғи» газетасидан.

«ТУРКИСТОН» – НАВОИЙДА

Куни кеча "Туркистон" газетаси таҳририяти ижодий ходимларидан бир гуруҳи Навоий вилоятида бўлиб, уз муштарийлари билан қизиқарли мулоқотлар ўтказди.

Мустақиллик шарофати билан ташкил этилган Навоий Давлат кончилик институти профессор-ўқитувчилари ва талабалари вилоятдаги корхоналар, ташкилотлар ҳамда муассасаларда фаолият кўрсатаётган ёшларга ва ўқув юртларида таълим олаётган талабаларга мурожаат этиб, 1997 йил ноябр ойида ҳашар ўтказиш, тушган маблағ эвазига вилоят газеталари билан бир қаторда "Туркистон" газетасига ҳам обуна бўлиш ташаббуси билан чиқишди.

Институт жамоаси бўш вақтларида Навбаҳор туманидаги Жамбул номидаги жамоа хўжалиги далаларида етиштирилган ҳосилни йиғиб-териб олишга кўмаклашаётган экан. Шу боис, "Туркистон"чилар биринчи галда мазкур жамоа далаларига ошиқишди.

Бу ерда булган мулоқотимизни вилоят ҳокими уринбосари Азамат Ҳайдаров очиб, институт жамоаси қабул қилган ташаббуснинг моҳияти, вилоят ёшларининг истиқлолни иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамлаш борасидаги ибратли ишлари тўғрисида сўзлаб берди.

"Туркистон" газетасининг Бош муҳаррири А. Ниёзов муштарийларни таҳририятнинг ҳозирги кундаги фаолияти ва келгуси йил режалари билан таништирди.

Институт биринчи проректори, фан доктори, профессор Сулаймон Иноятов ёшлар матбуоти ва муштарийлар ҳамкорлигини мустаҳкамлаш зарурлиги хусусида сўзлади:

– "Туркистон"чилар олий ва ўрта махсус ўқув юртларида тез-тез бўлиб, ўқитувчилар ва талабаларнинг изланишлари, турмуш шароитларидан воқиф бўлишлари зарур, деб ўйлайман, – деди С.Иноятов. -- Газетада "Умид" жамғармаси орқали хорижга ўқишга юборилаётган ёшлар ва чет эллик талабаларнинг турмуш тарзи тўғрисида кўпроқ мақолалар ёритиб борилиши керак.

Фалсафа кафедраси доценти, шоир Х.Пулатов, кафедра мудири М.Қувонов, доцент Ҳ.Аҳмедов, "Камолот" жамғармасининг иститутдаги жамоатчилик маркази раиси Ф.Умаров, талабалардан Д.Обилов, Ж.Камолов газетада ёритилаётган мавзуларни таҳлил этиш билан бирга унинг фаолиятини янада яхшилаш юзасидан фикр-мулоҳазалар ва таклифлар билдиришди.

Навоий туманидаги "Нарпай" жамоа хўжалигида бўлдик.

– Бугун йиллик режани бажардик, – деди раис Носир Бобоёров. – Ҳар гектар ердан ўттиз центнергача ҳосил йиғиштириб олдик. Ғалабамизга вилоят педагогика институти талабалари катта ҳисса қўшдилар.

Дала шийпонида тушлик олдидан деҳқонлар, ҳашарчи талабалар ва "Туркистон"чилар ўртасида навбатдаги мулоқот бошланди. Институт ректори, профессор Р.Раҳмонов кончилик институти жамоасининг ташаббусини булажак педагоглар ҳамда уларнинг устозлари астойдил қўллаб-қувватлаётганлигини қувонч билан сўзлади.

Талабалардан Д.Суннатова, Д.Қозоқова ва Д.Бекпулатовалар сузга чиқиб, газетада қишлоқ ёшлари ҳаёти ҳақида кўпроқ мақолалар уқиш истагини билдиришди.

Мазкур институт талабалари буш вақтларида деҳқонларга ёрдам бераётган Хатирчи туманидаги "Зарафшон" жамоа хўжалигида бўлган учрашув ёшлар учун ҳам, таҳририят жамоаси учун ҳам ниҳоятда фойдали ва завқли бўлди. Талабалар газетани янада сермазмун ва ҳозиржавоб нашрга айлантиришга оид қимматли таклифларини билдиришди.

"Қизилқумцемент" ҳиссадорлик жамияти қўшма корхонаси, Навоий автобус-таксомотор саройи ёшлари ва ҳарбий қисмларда хизмат қилаётган аскарлар билан бўлган мулоқотлар ҳам биз кутганимиздан-да жонли ўтди.

– Газета мустақил юртимизда ишчилар синфи қандай шаклланиб келаётгани ҳақида кам хабар бермоқда, – деди "Қизилқумцемент" ҳиссадорлик жамияти қўшма корхонаси бош муҳандиси ўринбосари Баҳриддин Назаров.

– Енгил саноатдагина эмас, балки оғир саноат корхоналарида ҳам кўплаб хотин-қизлар меҳнат қилишмоқда, – дейди оператор Малика Мардонова. – Масалан, корхонамизда Мавжуда Бегимқулова, Гулчеҳра Бозорова, Марина Норова, Нодира Ҳамроева каби хотин-қизлар жуда яхши фаолият кўрсатишмоқда,

– Уларнинг фидокорона меҳнатлари ҳақида нафақат мақолалар балки қисса ва романлар ҳам битиш мумкин, – деб Маликанинг фикрини давом эттирди Баҳриддин ака.

Касбдошларининг ушбу мулоҳазасидан опа-сингилларимизнинг кайфияти чоғ булиб, мулоқотимиз янада файзли тус олди.

"Туркистон"чилар Навоийда ўтказган учрашувларда истеъдодли шоир Нормурод Нарзуллаев иштирок этиб, ёшларга уз шеърларидан уқиб берди. Унинг ҳар бир чиқишини ёшлар олқишлар билан кутиб олдилар. Нормурод ака "Туркистон" газетаси ёш ижодкорлар билан ишлаш жамоатчилик булимининг мудири сифатида таҳририят истеъдод ғунчалари асарларини жамлаб, махсус тупламлар нашр этишга киришгани ҳақида сузлаб, ёш ижодкорларни газета билан доимий алоқада бўлишга чақирди.

– Ушбу мароқли учрашувлардан сўнг вилоятимиз ёшлари "Туркистон"ни қўллаб-қувватлаш учун ўтказиладиган ҳашарда фаол иштирок этишига асло шубҳам йўқ, – деди "Камолот" жамғармаси вилоят булими раиси Фарҳод Назаров.

* * *

"Туркистон"чилар учрашувларни утказишда амалий ёрдам берганликлари учун Навоий вилояти ҳокимлигига, шунингдек, "Узбекнаво" гастрол бирлашмаси вилоят булимининг Ғулом Раҳматуллаев раҳбарлигидаги гуруҳига ва хушовоз хонанда Турсуной Рузиметовага самимий миннатдорчилик биллирадилар.

ГАЗЕТА САҲИФАЛАНАЁТГАНДА:

Навоий вилояти ҳокимининг ўринбосари Азамат Ҳайдаров «Туркистон»га сим қоқди. У вилоят ҳокими Ҳ.Ғафоров кончилик институтининг 15 ноябрь шанба куни вилоят ва «Туркистон» газеталарини қўллаб-қувватлаш учун ҳашар ўтказиш тўғрисидаги ташаббусини маъқуллаб, қарор қабул қилганидан хабардор этди.

Ўз мухбирларимиз

Азиз муштарийлар!

"ТУРКИСТОН"ГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА.

Нашр кўрсаткичимиз: ташкилотлар учун-204; якка тартибдаги обуначилар учун 203,

"Туркистон" Сиз билан бирга!

Лавҳа

УЧ ЧАНОҚ

Қўриқ Усмон Юсупов тумани ҳокими Ёрқул Турсунов иш кабинетида бир шода пахта. Гулдастадек чиройлик қилиб боғланган. Даста орасида уч чаноқ. Оппоқ пахтага қараб кўнгилга ажиб ўйлар келади. Уч чаноқ. Барака ҳосили. Уни деҳқонлар шундай аташади. Ҳикоятларга қараганда теримнинг биринчи куни, илк сониядаёқ пахтазордан уч чаноқ топиб чиққан киши барака эгаси бўлармиш. Совғаларнинг энг сараси, мукофотлар ҳам ўша чаноқлар тутган қўлларга бериларкан.

Пахтакорлар бу ҳақда жуда кўп марта эшитган, барака эгаларига совғалар берилган. Бу йил ҳам шундай бўлди. Туман пахтакорлари жуда катта маррани эгаллашди. Шоирлар назди билан айтганда толмас билаклар қўриқ пахтазорларидан баракали ҳосил йиғиштириб олишди.

Йил бошидаёқ кўнгилга тугилган орзуларнинг амалга ошишининг ўзи ҳам катта бахт экан. Меҳнат қилгандан кейин унинг завқини тотишга нима етсин. Режада белгиланган 32,3 минг тонна ўрнига 35 минг 450 тонналик хирмон уюлди. Нақадар улкан марра. Бари олий навлардаги пахталар. Чаноқлардан бунёдга келган хирмонлар. Айтишга осону, уларнинг замирида қанчадан-қанча кишиларнинг меҳнатлари-билак кучлари, пешона терлари мужассам эканлигини бир тасаввур қилиб кўринг-а... Саратоннинг забтида кетмон чопаётганлар, эгатларга сув тараб кечалари билан дала кезган қўриқчилар... Ҳар туп ниҳолни бамисоли гўдакни парвариш қилиб, эҳтиётлаб, эъзозлаб вояга етказдилар. Вақтида озиқлантириб ҳосилга киритдилар.

Ўша кунлар меҳнатларини у яхши билади. Неча бор далаларни айланганда, пахтакорлар билан суҳбатлашиб, йиллик вазифалар борасида мулоқотлар ўтказганда барча оғирликни ҳис этган, кўнглидан кечирган. Қўриқ пахтакорлари сўзларининг устидан чиқишди. Улар ҳар бир кунни зое кетказмадилар. Аввал машина теримига зўр беришди, 8,5 минг тоннадан ортиқ пахтани бункерлардан тўкиб барака хирмонини уюшди. Бунда ҳатто вилоятда номи кетган ''Жейнов'' пайчилик хўжалиги, ''Миришкор'', ''Тошкент'', ''Янгиобод'' жамоа хўжаликлари механизаторлари алоҳида ўрнак кўрсатишди. Улар орасида Янгибой Пирназаров, Рашид Рўзиев, Мурод Бозоров, Ҳамроқул Ражабов бригадалари меҳнати юқори бўлди. Механизаторлардан Икром Расулов, Жўра Хазраткулов, Ғани Ёмғиров, Кўчим Олимов ва Исомиддин Мардиевлар биринчилардан бўлиб ўз зиммаларидаги вазифани сидқидилдан бажаришди.

Ёрқул ака бош бўлган туманда асосий ишчи кучлари ёшлар эканлигини ҳисобга олган ҳолда нимаики ёрдам керак бўлса барчасини ташкил этиб берди. Вақтида маошлар берилди, озиқ-овқатлар билан таъминланишди. Илғорларга моддий-маънавий мукофотлар бериб борилди. Халқимизда ''Озиқли от хоримас'' деган ҳикматли гап бор. Далада ишлаётганларга кўрсатилган ёрдамлар туфайли ҳеч бир чаноқ ерда қолиб кетмади. Машина теримидан сўнг қўл терими кучайди. Китоб, Шаҳрисабз ва Деҳқонобод шаҳар туманларидан келган хашарчилар мисқолларгача териб хирмонларни уюшди. Терим жараёнидаги меҳнатларни узоқ таърифлаш мумкин. Аммо гапнинг мухтасари соз. Усмон Юсуповликлар ўз меҳнатлари қадрини биладиган кишилар. Уюшқоқлик ва тадбиркорлик билан ишлаш натижасида ниятлари рўёбга чиқди.

Омад деганлари шу бўлса керак. Ҳароратли кунлар кетмасдан бурун биринчилар қаторида Қашқадарё вилоятида йиллик пахта тайёрлаш режа ва мажбуриятини ортиғи билан бажарган туманда шу кунларда катта тантана. Айниқса, тумандаги Рўзимат Ғойипов номли жамоа ширкат хўжалиги, Умид Файзиев ҳамда Мурод Бозоровлар раҳбарлик қилаётган ширкатларда тўй наволари баралла янграмоқда. Юрт олдида юз ёруғ бўлгандан сўнг тўй ҳам яраша-ди-да. Катта-катта дошқозонларда ош дамланиб меҳмон кутиш, иззат-икромлар, илтифотлар билан олқишларга сазовор бўлишга нима етсин. Ахир Усмон Юсуповликлар бу йил нафақат пахтачиликда, балки ғаллачиликда ҳам улкан ютуқларга эришишди. Давлатга 21 минг тоннадан ортиқ дон маҳсулоти етказиб берилди. Умумий сарҳисоб қилганда 1997 йил мобайнидаги меҳнатлардан 710 миллион сўмлик даромад олинибди. Бу жуда катта кўрсаткич албатта. Ҳозирги кунда Усмон Юсупов тумани ғалла майдонларида кузги буғдой экиш ишлари қизғин бормоқда. Мавсумда 9 минг 400 гектар ерга барака уруғи сепилиши керак. Қўриқликлар бу вазифани ҳам уддалашларига шубҳа йўқ.

-- Чўлда ишлаб ўз бахтини топган ёшлар жуда кўп,- дейди Ёрқул ака биз билан суҳбат чоғида.- Эришган ютуқларимизнинг асосий омилкорлари йигит-қизлар. Кимки, бизга келиб ишлашни истаса бажонидил қабул қиламиз. Барча шароитларни яратиб берамиз.

Уч чаноқ... Барака ҳосили. Илоҳим, у ҳар бир пахтакорнинг қўлидан тушмасин. Ўтаётган кунларимиз ва йилларимиз ҳамиша хайрли ҳамда баракали бўлаверсин. Кўнглида ҳамиша эзгулик ҳукмрон бўлган пахтакор-у ғаллакорларимизга, барча-барчага омад қуёши-бахт қуёши боқиб тураверсин.

Нурилла ҒАФФОРИЙ,
журналист

ДЕМОКРАТИЯ ДАРСЛАРИ

''Камолот'' жамғармаси томонидан чоп этилган китоб шундай номланган. Бу асар сўнгги икки йил мобайнида ''Туркистон'' газетасида эълон қилинган демократия ҳақидаги долзарб мақола тўпламидан таркиб топган.

Демократия нима? Мазкур савол билан муаллифлар ғоялар, фикрлар, мулоҳазалар қаърига йўл оладилар. Улар ушбу саволга жавоб топа оладиларми? Балки, ўқувчи китоб билан танишиб чиқар экан қандайдир ишончсизлик ёки бир қатор саволлар оғушида қолар? Қуруқ сўзлар ва мулоҳазалар тўплами бўлиб қолмадими? Буларнинг ҳаммасидан бирор наф борми ёки бирор натижа олиндими? Балки, аксинча. Бунинг барчаси ўқувчига боғлиқ. Муаллифлар бошиданоқ белгиланган бирор таълимот бўйича ўқиш ёки аниқ натижани таклиф этмасликларини таъкидлайдилар.

Мазкур китобни ўқиб чиққан китобхон фойдадан холи бўлмайди. У китобхонни фикрлашга, мулоҳаза юритишга ундайди. Муаллифнинг мақсади маълумотнома сифатидаги шарҳли ёки амалий билим беришдан иборат эмас. Фойдаланишга қулай ва қисқа маълумотларни ундан осонгина топиш мумкин. Кўриниб турибдики, муаллифлар демократияни сиёсий тизим эмас, балки инсон ҳаётининг турмуш тарзи, яъни унинг ҳар кунги турмушида учрайдиган муаммо сифатида ифодалашни мақсад қилганлар.

Бундай китоблар бугунги кунимизда ҳаводек зарур. Тўплам ўзбекона ўзига хос демократияни шаклланиши, мустақил тараққиёт йўлларида демократик жамият қурилишининг муҳим жиҳатларини акс эттирган.

Ўзбекистонда фуқаролар осойишталиги ва миллатлараро тотувлик, ўзаро мулоқот ва самимий бирдамлик асосида қурилган замонавий сиёсий тизим юксак самара бераётганлигини эътироф этиш зарур.

Китобда муаллифлар қисқа ва лўнда, энг асосийси оддий аҳолига тушунарли равишда содда шаклда демократиянинг дастлабки манбалари ва тараққиётини, шунингдек, демократиянинг шарқона талқинини ёритганлар.

Улар китобхон билан демократия-- бу тўғри таълимот, барча нарсанинг ҳолати ёки сафарлик эришилган натижа эмас, балки, мунтазам ҳал этиб бориладиган вазифа эканлигидан келиб чиққан ҳолда дилдан очиқчасига суҳбат юритадилар.

Таълим ва маърифат мамлакат сиёсий ва ижтимоий ҳаётида аҳолининг фаол иштирокини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Сиёсий тарбия бошқарувнинг демократик шаклида мужассамланган.

Турмуш тақозоси инсонни кўпроқ ўрганишга мажбур қилади. Ёшлар демократияни осонроқ ўрганишлари учун ўз ҳуқуқ ва бурчларини тўла ҳис қила оладиган демократия муҳитида яшаши лозим. Демократия ўз кучини сақлаб қолиши учун сиёсий саводсизлик, одамларнинг оломон сифатидаги руҳиятига қарши мунтазам режали кураш олиб бориш зарур, шахс мустақиллиги ва инсонийликка қаратилган мақсадли тарбияни яхшилаш керак. Халқ маърифати, тарбияси, қолаверса жамият учун энг муҳим масаладир. Мазкур тарбия нафақат турли мактаблар, балки жамоат ташкилотларида, жамоатчилик орасида самарали амалга оширилмоқда.

Демократия-- тугалланган мавзу бўлолмайди. Шунинг учун у ҳақда мусоҳаба давом этаверади. Демократия-- эришилган ғалаба эмас, балки мунтазам давомийликка эга бўлган тараққиётдир.

Демократия-- таълимот эмаски, уни ўқитиб ёки тезда ўзлаштириб бўладиган. Демократия-- бу фикрлар мажмуи, турмуш тарзидир. Ўзлаштириш учун эса унинг талаблари асосида, унинг муҳитида инсон ўз ҳаётида оила, аъзолари, қўни-қўшни, жамоатчиликка, бошқа миллат ва элатларга муносабатлар билан яшаб кўриши лозим. ''Қуш парвозидан билинади'' деган халқ мақоли бор. Демократлар ҳам ўз фаолиятига қараб баҳоланади, бу фаолиятни ўзлаштириш бир кунда бўладиган иш эмас.

Гап авлоддан-авлодга етказилиши лозим бўлган билим ва тажрибани тўплаш ҳақида бормоқда. Ёшлар ўртасидаги маърифий ишлар эса демократиянинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи, бошқача қилиб айтганда, қон айланиш тизимидир. Бу ерда барчага тааллуқли бўлган ҳал қилувчи маъно ётади, у ҳам бўлса инсонлар мулоқотига кўмаклашувчи, бизга турмуш ва унинг шароитларини ҳар бир шахс алоҳида тартибда, бир бутун жамоатчилик учун, уларнинг сиёсий боғлиқлиги тарзида тушунтирувчи яратувчилик сўзидир. Бундан мулоқот, ўзаро ҳурмат ва тушунча келиб чиқади, буларнинг ҳаммаси демократиянинг мазмунини беради. Демократия-- барча даражалардаги инсонларнинг ўзаро муносабатларида ифодаланувчи турмуш тарзидир. Демократия инсонларнинг учрашуви ва ўзаро мусоҳабасида, муаммоларни тушуна билиш негизидаги мулоқотларга асосланган. Демократия инсон ҳуқуқлари ҳамда якка шахснинг, жамоанинг ташвишларини амалга оширишга қулай имконият яратади. Демократик фуқаролик, халқнинг тарихий ва маданий серқирралигидан келиб чиқадиган шаклни қабул қилиш мумкин ва шундай бўлиши керак. Демократия мазмун ва шакли жиҳатидан кўплаб таълимотларга эга. Лекин, ''Демократиянинг ҳеч қайси бир модели, ҳеч қайси бир рецепти барча мамлакатларда бирдай кўрқўрона равишда жорий этилиши мумкин эмас. Аксинча, ҳар бир жамиятнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолдаги демократияни рағбатлантириш зарур''- деб ёзган эди ЮНЕСКО Бош директори Федерико Майор.

''Демократия дарслари'' китоби - ўзбек демократиясининг фалсафий тушунчаси ҳақидаги фойдали мулоқотдир.

А.САИДОВ,
Профессор, ҳуқуқшунослик фанлари доктори

Демократия дарслари (мақолалар тўплами). ''Камолот'' жамғармаси бошқаруви раиси Х.М.Абдураимов сўзбоши (М.Қирғизбоев таҳрири остида, Тошкент, ''Қатортол-Камолот'', 1997й, 64 бет).

Андижондаги «Автотеххизмат» ҳиссадорлик жамиятида меҳнат қилаётган ёшлар ишлаб чиқаришда ҳамиша пешқадамдирлар.
Суратда: (чапдан) цех бошлиғи Абдулаҳад Расулов, автослесарлар Ҳусан Умаров, Бахтиёр Хўжаев, Дилшод Холбеков, Аҳмаджон Абдуолимовлар.



Умар Усмонов (чапдан) ва Ҳотам Расулжоновлар корхонада ўз ишининг устаси ҳисобланишади.

Корхонада таъмирланган автомобиллар кўрикдан ўтказилаётган пайт.
А. ГЕРАСИМОВ суратлари

«КАМОЛОТ»НИНГ ҚИШЛОҚДАГИ ТАШАББУСИ

Ҳамма хўжаликлар ҳам ғалла ўриб-йиғиб олинганидан кейин бўшаган ерларга бошқа экин экиб, уларни парвариш қилишга улгуравермайди.

Республика ёшларининг жамғармаси Андижон вилоят бўлими фаоллари ташаббуси билан ёш деҳқонлар бўшаб қолган майдонларга янги экин экишга жалб қилиниб, бу йил ёзда 200 гектар ерга гречиха - маржумак экилган эди. Ҳозир ундан яхшигина ҳосил олинди. Ҳосилнинг бир қисмини уруғликка қолдириб, қолган қисмини даволаш ва болалар муассасаларига, меҳнат жамоалари ва аҳолига имтиёзли нархларда сотиш мўлжалланмоқда.

«Камолот» жамғармаси фаоллари шунингдек, вилоят хўжаликларида соя, полиз ва сабзавот экинлари, мош, емиш экиш ишларини ташкил этишга ҳам кўмаклашди. Шу тариқа ҳам жамғарма «Ҳамён»и тўлдирилмоқда, ҳам қишлоқ ёшлари учун янги ишчи ўринлари ташкил этилмоқда.

К. НИЗОМОВ,
ЎзА мухбири

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида

ҲАММАСИ ЁШЛАР УЧУН

Бугунги кунда Олий ва ўрта махсус таълим тизимларида таҳсил кураётган йигит-қизларнинг билим даражаларини янада ошириш ва мустаҳкамлаш йўлида бир қанча амалий тадбирлар йўлга қўйилмоқда. Жумладан, Таълим тўғрисидаги қонунда белгиланганидек, ўқув юртларида ўқитиш сифатини тубдан яхшилаш ва малакали кадрлар тайёрлашга ҳар жиҳатдан эътибор кучайтирилаётир. Кучли билим салоҳиятига эга бўлган истеъдодли ёшларни етиштириш ҳамда халқ хўжалигига йўллаш бугунги кунниng долзарб вазифаларидан бири. Шу боис Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида мазкур масалага бағишланган тадбирлар ишлаб чиқилди ва амалга оширила бошланди.

Белгиланган тадбирларга кўра, вазирлик тизимидаги барча ўқув юртларида янги демократик жамият қуриш назарияси ва амалиётини ўрганиш маркази ташкил этиш, унинг йўналишларида ижтимоий, маданий ва маърифий ислоҳотларни кенг қуламда тарғиб қилиш ҳамда ёшларда истиқлол мафкураси ғояларини мустаҳкамлаш, қадриятларимизни асраб-авайлашга ўргатиш мақсадларида бир қанча дарслик ва ўқув қўлланмалари ишлаб чиқилади, дарс соатларига киритилади. Бой илмий-иқтисодий фан асосларини чуқур ўргатиш ва талабаларнинг машғулотхоналари шарт-шароитларини янада яхшилаш учун зарурий техник ускуналар ва адабиётлар билан таъминлаш юзасидан бир қанча ишлар йўлга қўйилди.

Маълумки, замонавий, жаҳон андозаларига мос ва хос бўлган дарс соатларини купайтириш ва ўтказиш учун малакали ўқитувчи-мураббийлар, олимлар керак бўлади. Шу мақсадда вазирликнинг ташаббуси ҳамда ғамхўрлиги остида ёш олимларни тарбиялаш, ўқитувчиларнинг малакаларини ошира бориш учун муддатли малака ошириш-лар, дарс соатлари купайтирилмоқда. Юқорида қайд этилган ва ишлаб чиқилган марказ тизимига кўра 1997-98 йиллар мобайнида Республика танловлари ҳам ўтказилади. Мазкур танловнинг Низомини тайёрлаш ва тадбиқ этиш чоралари белгиланди. Мутахассисларга шу йўналишда махсус малакали гуруҳ тузиш вазифаси топширилди. Малака ошириш курсларида эса тингловчилар сони 80 кишидан иборат булишлиги белгилаб берилди.

Н. АЛИМОВ

БАРКАМОЛ АВЛОД - ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ПОЙДЕВОРИ

Мамлакатимизда йўлбошчимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ҳуқуқий демократик давлат барпо этилмоқда. Жамиятимиз ривожланишининг, иқтисодий ва сиёсий соҳалардаги ислоҳотларни амалга оширишнинг ҳозирги босқичида маънавий жиҳатдан мукаммал инсонни тарбиялаш, таълим ва маорифни юксалтириш, миллий уйғониш ғоясини рўёбга чиқарадиган янги авлодни вояга етказиш устувор вазифалардан бири бўлиб қолди.

Шу боис, Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессияси асосан ана шу масалаларга бағишлангани ҳам бежиз эмас. Президентимизнинг мазкур сессиядаги нутқида бу борадаги вазифалар аниқ ва равшан баён этиб берилди. Олий Мажлис «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини қабул қилди. Жуда катта ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга бўлган бу Қонун ва Дастурда фуқароларга таълим, тарбия бериш, касб-ҳунар ўргатишнинг ҳуқуқий асослари, кадрлар тайёрлаш миллий модели-ни рўёбга чиқаришнинг асосий тамойиллари белгилаб берилди.

Республикамизда таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қиладиган ушбу ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини теран ўрганиш ва уларни ҳаётга татбиқ этиш шу кунниng долзарб вазифаларидан биридир. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни «Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» сарлавҳаси остида чоп этган китоб ҳам ана шу мақсадга хизмат қилади.

Ўзбек, инглиз ва рус тилларида кўп нусхада чиқарилган бу китобдан Президентимизнинг Олий Мажлис IX сессиясида сўзлаган нутқи, «Таълим тўғрисида»ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ва бошқа ҳужжатлар ўрин олган. Китоб нафақат соҳа ходимлари, кенг жамоатчилигимиз, балки Ўзбекистон таълим тизимини такомиллаштириш миллий моделини ўрганувчи хорижликлар учун ҳам муҳим манба бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

(ЎзА)

«Нафосат» ғунчалари

ЁЗИЛМАГАН ШЕЪР КАБИ...

Биз ўтган йил «Истеъдодлилар маскани» дея таъриф берганимиз — Алишер Навоий номидаги Республика Нафис санъат мактаби шу йилнинг 22 октябр куни ҳам гавжум бўлди.

Ёш қаламкашларнинг «Нафосат» номли ушбу кўрик-танловида турли вилоятлардан келган ижодкорлар ўзларининг илк ижодий машқлари билан қатнашдилар.

Анжуманни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг ўринбосари ёзувчи Йўлдош Сулаймон кириш сўзи билан очар экан: «Бугунги кун ҳар бир қаламкашнинг ҳаётида унутилмас из қолдиришига ишонаман. Ҳар биригизнинг бошлаган ижодий йўлингиз файзли бўлсин» — деди.

Мушоира қизиган айни паллада даврага Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидовнинг ташриф буюриши ҳаммани ҳаяжонлантириб юборди. «Нафосат» ғунчаларининг бир-биридан ажойиб шеърлари янграр экан, анжуман аҳли Фарғона вилояти Олтиариқ туманидаги 2-гимназия ўқувчиси Азизбек Холбоев, Андижон вилояти Жалолқудуқ тумани 8-мактаб ўқувчиси Марғуба Қорабоева, Бухоро вилояти Файзулла Хўжаев тумани 6-ўрта мактаб ўқувчиси Ҳадиябону Очилова, Самарқанд шаҳар 37-ўрта мактаб ўқувчиси Дилшода Чиннинқуловаларнинг шеърларини алоҳида меҳр билан олқишлади.

Мезбонлар, яъни Нафис санъат мактабининг энг жамоатчи ва истеъдодли ўқувчилари Шуҳрат Ориф ва Азизбек Турдиевлар мушоирани олиб бориш билан бирга ўзларининг элюрт ва истиқлол ҳақидаги шеърларини ўқиб тенгдошлар ва ҳайъат аъзолиниг таҳсинига сазовор бўлдилар.

Мушоирадан сўнг бошланиб кетган ижодий баҳслар ва муҳокамаларда ҳозирги адабий жараён ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Ёшларнинг севимли «Гулхан» журналининг Бош муҳаррири ёзувчи Сафар Барноев ҳамда Халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев билан ўтказилган ўзаро мулоқот ҳам айнан ёшларнинг кўнглидагидай бўлди.

Қорақалпоғистонлик ёш қаламкаш Азиза Ибрагимованинг хайрлашув чоғидаги сўзлари барча анжуман қатнашчиларининг тўлқинлантириб юборди: «Мен неча вақтлардан буён орзиқиб кутган ушбу кундаги ҳаяжонларим ва таассуротларим ҳали ёза олмаган шеърим каби гўзал ва қадрлидир». Зеро бу сўзлар ҳамма ижодкор ёшларнинг қалбида жўш ураётган эди.

Ушбу қалби қайноқ истеъдодларнинг энг намунали ижодий машқлари билан газетамизнинг келгуси сонида танишасиз.

Мухтасар ТОЖИМАМАТОВА

ЧИРОЙЛИ АЁЛ

Эссе

Кат-та-ки-ичик ботадриж ҳодисаларнинг жамулжами, ўзаро боғлиқликнинг бир нуқтада марказлашуви дунё, одам ва заминни тутиб турибди. Бир замонларда қай бир подшоҳликда умргузаронлик қилган Архимед деган чол шу сарриштани узсам, дунёни чаппа айлантираман, деган экан. Бу гапни китобдан ўқиганим йўқ —мактаб кўрмаганман. Қайси кун отишмадан сўнг сумбатини қурум босган қуролларимизни тозалаб, ҳангома сотиб ўтирганимизда қўмондонимиз матал қилди. Матал қўлимдан шамол мисол тутди-да, мени жангоҳдан олиб чиқиб, ўз қўрғонимга етаклаб кирди. Кўрсам — ҳамма нарсам бир-бирининг қўлидан ушлаб турибди ва шунинг учун ҳам мен бор эканман. Дунё шу тузумида худди шароб лаболаб сафолга менгзайди: бир томчи қўшсангиз — тўкилиб кетади, олсангиз — камайиб қолади... Ҳандақларда ётиб-туриб, кир босиб, урушларда юрган телбанамо йигит — мен билан сизнинг — дунёнинг энг чиройли аёли ўртасида нечук боғлиқлик борки, мудом сизга —дунёнинг энг чиройли аёлига талпинаман, талпинавераман. Мени ўз жоним эмас, сизни биргина марта кўриш қайғуси кўпроқ қийнайди ва билишни истайманки, сиз ҳам, дунёнинг энг чиройли аёли ҳам мени — ҳар қандай дайди ўқ тегиши мумкин бўлган ташландиқ, ҳамма унутган йигитни, бир бор ўйлаб кўясизми, талпинасизми ўша йигитга? Ва умуман дунёнинг энг бахтиёр, энг чиройли аёллари дунёнинг энг чеккада қолган йигитлари ҳақида, аёл деган қўрғонга урганида найзаси бир умрга синиб қолган ботирлар борлиги тўғрисида ҳеч ўйлашармикин?

...шамсу қамар, нужум, замин — бари борича Сизнинг атрофингиздан кажрафторнинг чархидек палак уриб айланишини кўрдим. Сиз замину осимон ўртасида муаллақ офтоб сингари мастура ва бепарво эдингиз. Мен ҳам қуролим билан, қуролим ҳам ўқлари билан Сизнинг ўқингизда чопавердим. Ситора моҳитобондан белгиланганидан ортиқча узоққа кетолмагани сингари Сиздан ўзгармас масофада турар, гоҳ у, гоҳ бу, гоҳо нариги, гоҳо бериги ёнингизга ўтардим. Сизга яқин боролмасдим, Сиздан йироқ кетолмасдим...

Уч кун ўтиб катта жангга кирамиз. Балки муҳосарадан омон чиқмасман. Жангдан олдин Сизни бир кўргим келиб шаҳарга энганим.

Чин, Сизни жуда кўргим келяпти. Худди шу ердайди: театуру зинасидан эриниб тушиб келаётгандим. Ногоҳ, оёғимга ўқ теккандай тойиб кетдим. Қаҳрамон занжир солиб тортаётган чинордек илдизларим билан қўпорилиб, қулаётгандим. Тангри таолонинг марҳамати ила бир капалак нур кўкрагимдан кириб, қаддимни кўтариб, мени тутиб қолди. Беҳуду беҳуш эканман, нигоҳим нур риштасида, дор устидаги дорбоздек оқиб борди ва шу зум Сиздан ахборот етказди дилга. Катта йўлдан силкиниб-силкиниб бораётган посон фойтун даричасидан менга қараётган, тикилиб, худди йўқотиб қўйган энг чиройли мудроқ босган тош кўчани уйғотиб, бутун шаҳри азим бағрини тилка-пора қилиб борар, минг йиллардан буён латтадай суяксиз йўл ўрнидан туриб кетай-туриб кетай дерди. Фойтунингиз қораси кўзимдан узилди.

Кўнгил тортиб, тағин шу ерга келибман. Фаромушлик қурсин, уёқ- буёғимга қарамай, гўрдан чиққан гўрсўхтадай келаверибман. Соч- соқолим ўсган. Уч кун тараф-тараф бўлиб солишиб қолган эдик: кўзларимнинг таги кўк, ёноқларим ёрилган. Уст-бошимга-ку қараб бўлмайди, тер, шилта-шиптир иси келадими-ей. Чўнтакларим тўла ўқ, шимим узилиб тушай дейди ўқларнинг оғирлигидан. Э галварс, дейман ичимда, аёл хузурига мойланмаган аскарча этик кийиб келадими?! Ўнг қўлимда қурол, чап қўлимда бир қучоқ дала гули. Қуролдошларимдан ажралгач, йўл-йўлакай гул териб келдим.

...фойтунлар изидан гоҳ у, гоҳ бу тарафга югураман. Гулларим ҳам тўкилиб адо бўлди. Сочилиб ётган нораси да гиёҳжонларни оғир ғилдираклар эзиб ўтади. Бу манзара силаи раҳмни билмаган жанггоҳларни, муҳораба майдонларини эслатади... На шошиб, на шошмай келаётган мана шу фойтун тошйўлдан кетиб бормас, кўнглимнинг кўчасидан кириб келаётган эди гўё. Менга етганда эшик ним очилди. Қоронғуда юзини барглари чулғаб олган на оқ, на қизил — оқ била қизил оралиғидаги бир рангда — атиргулни кўрдим. Ўз ҳидига ва кўркига масту мустағрақ қилган гул ғижим қоғоз ташлади. Фойтун тўхтамади.

... Сиз-ай, чиройли аёл, мендан ой қадар йироқдасиз. Қўлим эмас, йўлим ҳам етмайди Сизга. Балки умрим ҳам етмас. Балки Сиз мендан умрим ҳам етмайдиган узоқдадирсиз. Менга аён бўлаяптики, Сизга — чиройли аёлга етиш учун бу умрим калталик қилади. Яна умр сўрашга эса ҳаддим сиғмайди. Тўғри, Сизни баъзан кўчаларда, ёмғир ёки қор тўкилиб турган оқшомларда, тунчироқлар, тунги фонуслар ойдинида кўриб қоламан. Шаҳд бориб, қўлингиздан тутиб, Сизни излаб юрганимни айтгим келади, лекин чўчийман. Чунки Сиз жудаям чиройлисиз, дунёдаги энг чиройли аёлсиз. Гўзал бир мағрурлик билан ёнимдан ўтасиз, мен томонга қайрилиб-да боқмайсиз. Ёмғирда дилдираб турган қушча эътиборингизни мендан кўра кўпроқ жалб қилади. Мен эса ёмғир эмас, қорда йўлимни йўқотиб, кўзимга балодай кўринадиган, ҳувиллаб ётган, тоғдаги ғордан ҳам файзсиз ижарахонамга оёғим тортмай, адашган дунёнинг кўчаларида адашиб, улоқиб бораётганимда, дарёга тушган тошдай дунёга изсиз, белгисиз чўкиб кетаётганимда ва шундан нафақат ўзим, дунё ҳам кўзларимга ёмон кўриниб бораётганида, кутилмаганда қаршимдан Сиз чиқиб қоласиз. Бепарво, ўзингиздан мамнун ўтиб борар экансиз, эътиборингизга тушишга ҳаракат ҳам қилмайман. Негаки, Сиз шу тариқа мени шу қадар кўп топтаб ўтгансизки, барибир Сизга муносиб эмаслигимга, муносиблик даъво қилишга арзимаслигимга минг-минг карра амин бўлганман ва ҳамма, ҳамма-ҳамма нарсадан ҳафсалам пир бўлган, кўнглим совиган. Сиз менинг бу туйғуларимни илғасангиз, эҳтимол кибр билан, балки масхараомуз кулиб қўярсиз, кўнглингга тупурдим, кўнглингга қўтир жомашов, дерсиз. Раҳмат. Сиз, чиройли аёл, мендан — атиргул пойидаги сомонпоядан минг-минг ташаккурлар олмоқчи бўлсангиз, ўзим ўлдиролмаётган кўнглимни кўзларимга ботиб, нақ қароқларимга санчилиб турган чиройли этикчангизнинг узун пошналари тагида топтаб-топтаб, яхшилаб топтаб, ўлдириб беринг, токи бу бераҳм кўнглим ўзимни ўлдирмасидан. Ҳа, ўлсам ҳам ёғий ўқи ёки хасталик эмас, ўзимнинг кўнглим ўлдиради мени, кўнглимнинг тазйиқидан қордан ясалган ''одам''дай эриб-эриб адо бўламан. Менинг кўнглим энг хатарли ўқдан ҳам хатарнок, энг давосиз касалликдан ҳам давосизроқ. Шунинг учун ўз кўнглимдан ҳамиша қочиб юраман. Ва ҳар гал билмасдан Сизнинг рўпарангиздан чиқиб қоламан. Шунда ҳаммаси янгитдан, аввалидан бошланади. Мен бу йўлни шу қадар кўп, шу қадар қайта-қайта, айланиб, ўргилиб босиб ўтдимки, товонларим қавариб, тошдай қотиб кетди. Ҳар қаричи саноқ сонлардай ёки шеърдай ёд бўлиб кетган бу йўлда суйи сиқиб олиниб, пучмайиб қолган анордай залворсиз кўнглимни чўнтагимдаги рўмолча каби кўтариб борарканман, кўнглимнинг ҳам қавариб, тошдай қотиб кетганини, руҳимга қаттиқ, жуда қаттиқ ботиб, теккан жойини тилиб, кесиб кетишини, руҳимни қонга ботиришини ҳис қиламан. Сиз, албатта, менинг борлигимни илғамаганингиз сингари бу кечинмаларимни ҳам сезмайсиз ва шу билан беҳад бахтиёр ва шодумонсиз.

Салим АШУР

“Ёш куч” журнали ёшларнинг ўзидек ранг-баранг, қат ба қат, саҳифама-саҳифа ёшлик ифори, навқиронлик таровати билан безатилган. Унинг кўксида ҳам ўша ёш авлод кўксидаги оташин, эҳтиросли ва беҳаловат юрак уриб туради. У мисли кимёдирки, кимки ёшлигига қайтишни, бир дам «шабоб гулзори»да яйрашни истаса, “Ёш кучни” ўқисин.

Қуйида «Ёш куч»нинг 7-сонидан айрим манзараларни -- мақолалардан олинган парчаларни -- эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.

«Ёш куч» ҳозирда келгуси -- 1998 йилнинг ҳар ойида бир мартадан бўлиши мўлжалланаётган учрашувларга ҳам қизғин тайёргарлик кўрмоқда. Унинг ниятлари -- келгуси йилнинг ҳар ойида янада ёшариб, янги-янги туҳфалар билан ва яна энг муҳими -- ўз вақтида хонадонингизга ташриф буюриш, маънавият, ёшлар ҳаётига кенгроқ эътибор бериш, «Ёш куч»нинг Сизга манзур анъаналарини, рукнларини яна давом эттириш, журнални янги, қизиқарли саҳифалар билан бойитиш. Азбаройи, азиз муштарийлар, унинг Сизга бўлган самимий муҳаббати шарофати билан, Сизнинг моддий аҳволингизни ўйлаб ва моддий қийинчиликларнинг барчасини ўз зиммасига олган ҳолда, нарх деган аждаҳони бугзига кишан уриб, энг қуйи нуқтада ушлаб турмоқчи, токи Сизга оғирлиги тушмасин. Бироқ унинг бу эзгу ниятининг амалга ошиши Сизга боғлиқ жиҳат, Сизнинг мададингиз ҳам ниҳоятда муҳимдир.

Бу шундан иборатки, азиз муштарий, Сиз севимли журналингиз -- «Ёш куч»га ўз вақтида обуна бўлиб қўйсангиз бас, бу эса «Ёш куч»нинг 1998 йилнинг ҳар ойида ўз вақтида хонадонингизга меҳмон бўлиб туриши учун улкан кафолатдир.

Якка тартибда обуна бўлувчилар учун -- Нашр кўрсаткичи: 823, Обуна баҳоси -- бир йилга -- 744 сўм;
Ташкилотлар учун -- Нашр кўрсаткичи: 935, Обуна баҳоси -- бир йилга -- 1104 сўм..

«ЁШ КУЧ» -- МЕҲМОНИМИЗ

МУНОСАБАТ

Аллоҳ таъоло «Ҳужурот» сурасининг 12-оятида: «...бирларингиз бирларингизни ғийбат қилмасин», деди...

«ҒИЙБАТ ҚИЛСАМ ҲУЗУР ҚИЛАМАН!»

Ғийбат - бир қараганда одатий ҳол бўлиб кўринади. Кўчакўйларда, автобусларда ёки кечга томон кўча эшиклар олдига тўпланиб олиб, суҳбат қураётган аёллар, қизларга кўзингиз тушади. Улар, шоир айтмоқчи: «гоҳ калла, гоҳ туёқдан» гапираман деркан, ўзлари билмаган ҳолда ғийбат қилиб қўядилар.

Биз яқинда ТошДУ қошидаги С.Ҳ. Сирожиддинов номидаги иқтидорли ёшлар лицейининг ўқувчи қизлари билан шу мавзуда суҳбат қурдик. Эҳтимол, биз ҳам ғийбат қилгандирмиз?..

Раҳима Комилова (Лицей ўқитувчиси):

Ғийбат --ёмон иллат. Кўпчилик ғийбат -- аёлларга хос бўлган хусусият, деб ўйлайди. Лекин ижтимоий тадқиқотларнинг кўрсатишича, эркаклар аёлларга нисбатан кўпроқ ғийбат қилар экан.

Азиза Мамадаминова (10 «б»-синф ўқувчиси): -- Албатта, айбсиз Парвардигор. Таң оламанки, ғийбат қилганман. Лекин ҳозир иложи борича ғийбатдан қочаман. Чунки бу мусулмончиликка зид эканлигини яхши биламан.

Нигора Қутмонова (11-синф):

-- Мен ғийбат қилсам енгил бўламан, ичим бўшайди, масза қиламан.

-- Кўпроқ кимларни ғийбат қиласиз: ўртоқларингизними, ўқитувчиларними, кўча-куйдагиларними?

-- Қайси бирини айтсам экан?..

Ситора Раҳмонова (11-синф):

-- Ҳавасга бораётган кўзлар баъзан ҳасадга ҳам кетиб қолади. Тўртта қиз йиғилганда ўз-ўзидан кимнингдир яхши ёки ёмон томони ҳақида гап очилади. Бу ҳол ҳаммада бор, буни инкор қилиб бўлмайди. Ўзим ҳам кўп ғийбат қилиб тураман.

-- Ғийбат қилиш гуноҳи кабира ҳисобланади. Ривоят қилишларича рўза пайтида Пайғамбар С.А.В.нинг ҳузурларига иккита муслима келиб: «Эй Пайғамбар, росаям очиқиб кетяпмиз. Нима қилайлик, рўзамизни очайликми?» деб сўраган эканлар, Пайғамбаримиз С.А.В.: «Ерга тупуринглар-чи», дебдилар. Аёллар ерга тупурганларида оғизларидан бир лахтадан қон тушган экан. Шунда Расулуллоҳ С.А.В.: «Сизларнинг рўзаларингиз очилиб бўпти. Бир бирородарингизни ғийбат қилиб, гўштини еб қўйибсизлар», деган эканлар. Демак, ғийбат ҳам улкан гуноҳ. Шуни ҳис қиласизми?

-- Ҳа, қўрқиб қолдим. Аввал бу ҳақда ўйлаб кўрмаган эканман.

Мавлуда Эркаева:

-- Мен муслимаман. Ғийбат қилсам, тезда тавба қиламан, афсусланаман.

Сурайё ЗОҲИР

СЎРАСАМ МАЙЛИМИ?

Савол: *ТВ ва ОАВ орқали фақат чегарадан озиқ-овқат маҳсулотлари олиб чиқаётган жиноятчилар ҳақида материал бериляпти. Порахўрлар ҳам ушланаяптими ё улар умуман йўқ бўлиб кетганми?*

Кабир Абдуллаев. Тошкент шаҳри.

Жавоб: *Порахўрлик оғир жиноят. У давлат учун ҳам, жамият учун ҳам ўта хавфлидир. Порахўрлик бор жойда бошқа барча жиноятлар ҳам содир этилиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Афсуски уни йўқ бўлиб кетган деёлмаймиз. Ўтган йили Ўзбекистон Республикаси Олий судида 133 та шахсга нисбатан порахўрлик ишлари кўрилган. 1995 йилда бу рақам 122 та эди.*

«Қонун номи билан» журналининг Бош муҳаррири Шоҳруҳ Акбаров жавоб берди.

Савол: *Кимлар армияга олинмайди?*

Шавкат Муҳамедов. Тошкент вилояти.

Жавоб: *«Ўзбекистон Республикасининг умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат» тўғрисидаги қонуннинг 1-моддасида шундай дейилади: «Эркак фуқаролар башарти, саломатликлари ва ёшлари нуқтаи назаридан ҳарбий хизматни ўташга яроқли бўлсалар ҳарбий хизматга чақирилишлари шарт».*

Шу қонуннинг 18-моддасига мувофиқ тинчлик вақтида қуйидаги шахслар ҳарбий хизматга чақирилишдан озод этиладилар:

-- тинчлик вақтида саломатлиги ёмонлашганлиги учун ҳарбий хизматга яроқсиз деб топилган;

-- 27 ёшга тўлганга қадар муддатли ҳарбий хизматга ёки муқобил хизматга чақирилмаган;

-- рўйхатдан ўтказилган диний идораларнинг бирида диний рутбага эга бўлган;

-- туғишган ака-укаларидан бири муддатли ҳарбий хизматни ўташ вақтида ҳалок бўлган чақирилувчилар муддатли ҳарбий хизматга чақирилишдан озод этиладилар.

Савол: *Ҳарбий билим юртларида қизлар ҳам ўқийдими?*

Меҳри Шукурова. Тошкент шаҳри.

Жавоб: *«Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг 20 апрель 1995 йил «Ўзбекистон Мудофаа Вазирлигининг ҳарбий ўқув юртига қабул қилиш тўғрисида»ги қарорининг 7 - пунктида шундай дейилади:*

«Республика ҳудудидаги ҳарбий ўқув юртларига эркак жинсига мансуб бўлган шахсларгина қабул қилинади. Ҳарбий хизматни шартнома асосида ўташ мумкин».

Мудофаа Вазирлигининг шахсий таркиб билан ишлаш бошқармаси ходими, капитан Ислом Иноятов жавоб берди.

СИНФДОШ: «МАКТАБИМИЗГА ЯНГИ ЎҚИТУВЧИ КЕЛДИ»

Шубҳасиз, инсон ҳаётининг энг қизиқарли, таъбир жоиз бўлса, «энг ўқимишли» саҳифалари мактабда ёзилади. Энг гўзал, энг беғубор хотираларимизнинг ҳам мактаб билан боғланганлиги, бежиз эмас. Бу «энг»ларни узоқ давом эттириш мумкин. Ва яна «биринчи», «биринчи ўқитувчи», «биринчи ҳарф», «биринчи парта», «биринчи дарс» ва ҳатто «биринчи муҳаббат». Буларнинг ҳаммаси мактабда кечади. Ҳаётда барча орзу-умидларига эришган, бахти бут инсон ҳам ёши улғайиб, болалигидан, бебошу шаддод ёшлигидан узоқлашиб қолгач, ўзи ўқиган мактаб ҳовлиси, синф хонасининг ёнидан ўтиб бораверса, юраги эзилиши, хотира деб аталмиш мангу азоб қаърига ғарқ бўлиши табиий. Чунки у шу ерда ўзини таниган, мана шу дарз кетган дераза ойнасидан узоқ-узоқларга тикилиб, дунёни қучмоқчи, у билан бутунлашмоқчи бўлган.

Азиз ўқувчилар!

Биз «Синфдош» руknида мактаб мавзусини чуқурроқ ёритиш, унинг биз билган ва назаримиздан четда қолган жиҳатлари, йиллар ўтсада, унутилмайдиган сеҳру жозибасининг сирларини кашф этиш ниятидамиз. Бу ишда Сизнинг фикрингиз, кузатишларингиз биз учун жуда ҳам муҳим. Шундай қилиб, биринчи мавзумизни «Мактабимиз-

га янги ўқитувчи келди» деб номладик. Шубҳасиз, мактаб ҳаёти учун энг характерли ҳодисалардан бири, бу -- кутилмаганда мактаб саҳнасида, шу ерлик ёхуд қўшни туман ва ё шаҳардан келган ўқитувчининг пайдо бўлиши! Уни баъзан худди «ўзга сайёралик»ни кузатгандай кузатамиз. Унинг кийиниши, юриш-туриши, ўзини тутиши, гап оҳанги ва

ОБУНА -- 98

билими -- булар узоқ вақт бизнинг катта танаффуслардаги гурунгимизнинг мавзуси бўлиб қолади. Албатта, орадан маълум вақт ўтгунича, яъни «янги одам» «эскиргунига» қадар.



Бу орада эса яна «янги»лари пайдо бўлади... Айни пайтда ўқитувчининг ўзи учун ҳам унинг биринчи дарси, илк бор танишган ўқувчиси, биринчи қўйган баҳоси ва умуман, мактаб билан боғлиқ илк тажрибалари унутилмас бўлса керак. Бу орада кутилмаган воқеалар, қизиқарли ҳодисаларнинг юз беришини айтмаса ҳам бўлади. Хуллас, биз «Синфдош»нинг суҳбатларидан баҳраманд бўлаётган барча ўқувчи ва ўқитувчиларни, «ҳозирги» ва «собиқ»ларни руknимизда ўзларининг мақола, ўй, фикр ва мулоҳазалари билан қатнашишга даъват этамиз. Таҳририятимизга келган энг қизиқарли ва мазмунли мақола ҳамда мактублар «Синфдош» саҳифаларида ёритилади. «Синфдош» танловига марҳамат!

Абдувоҳид ҲАЙИТОВ тайёрлади.

Қоидага амал қилинг

ШОШМАНГ, АЗИЗЛАР!

Тез ҳаракатланаётган автомашинани бирданига тўхтатиб бўлмаслиги барчага маълум. Лекин аксарият ҳолларда ҳаракат иштирокчилари, айниқса, ўсмирлар ана шу нарсани унутиб, ўз имкониятларини транспорт воситаси имконияти билан тўғри ҳисобга олмай, турли бахтсизликлар келиб чиқишига сабабчи бўладилар.

Дунёда барча мусибатларга чидаш мумкиндир, аммо ёшлик, бегубор болаликнинг жувонмарг бўлишига...

Шу йилнинг 16 сентябрида Бухоро вилояти Қоровулбозор туманининг Пахтакор жамоа хўжалигида хашарда бўлган Бахтиёр Авезов ва Яхшимурод Ҳалимовлар тушликни қилиб бўлгач, ётоқхоналарига боришни ният қилишди. Тезроқ етиб бориш мақсадида, ГАЗ-53 русумли автомашина юкхонасига чиқиб олишди. Бурилиш пайтида ҳар иккиси юкхонадан йиқилиб тушди. Касалхонага келтирилган Бахтиёр ҳаётдан кўз юмди. Яхшимурод эса оғир жароҳатланди.

Андижон вилояти Андижон туманидаги ўрта мактабнинг 5-синф ўқувчиси Абдурашид Аҳмедов ҳам йўлларда ҳаракатланиш қоидаларига риоя қилмаганлиги сабабли бевақт ҳаётдан кўз юмди.

Ўқув юртларида, мактабларда йўл-транспорт ҳодисалари бўйича етарли тушунтириш ишларининг олиб борилмаётганлиги, ота-оналарнинг фарзандларини назоратсиз қолдиришлари бахтсиз ҳодисаларнинг кўпайишига сабаб бўлмоқда.

13 октябр куни соат 13.00 ларда Самарқанд вилояти Тойлоқ тумани Қўшчинор жамоа хўжалиги ҳудудида ҳаракатланаётган трактор қаршисига 1995 йилда туғилган Парвиз Сувонқулов чопқиллаб чиқиб қолган. Афсуски, ҳаракатланаётган тракторни бирдан тўхтатишнинг имкони бўлмади. Натижада бола касалхонада вафот этди.

Бундай бефарқлик, лоқайдлик ота-онанинг фарзанди ҳаёти, хавфсизлигига бўлган жиноий муносабати эмасми?

"Қуш уясида кўрганини қилади",— деган нақл бекор эмас. Аксарият ҳолларда серқатнов автомобиль йўлларида пиёдалар ўтиши учун махсус белгиланган жойлар қолиб, пиёдалар дуч келган жойлардан кесиб ўтадилар. Айниқса, катталар томонидан болалар кўз ўнгида йўл қўйиладиган бундай тартибсиз ҳаракатлар оқибатида болалар жабрланишади. Афсуски, катталар бунга жиддий эътибор бермайдилар. Яна ҳам афсусланарлиси, ўзларини бунда заррача гуноҳкор ҳис қилишмайди.

Кичиклар кимлардан ўрнак олишади? Албатта, катталардан. Улар катталарга тақлид этишади. Айримлар йўлларда ҳаракатланиш қоидалари бўйича тушунтириш, ўқитиш-ўргатиш ишларини ўзлари эмас, балки кимлардир амалга оширишини кутишади. Бу билан зиммаларидаги масъулият ва жавобгарликни оз бўлса-да соқит қилмоқчи бўлишади. Бунинг устига ўз фарзандлари кўз ўнгида йўл ҳаракати қоидаларини бузишади. Йўлнинг дуч келган жойидан кесиб ўтиб, тўхтаб турган транспорт воситаларининг ёки бошқа йўл кўринишини тўсувчи тўсиқлар орқасидан тўсатдан бола етаклаб чиқиб қолишади. Оқибатда эса...

Қоидабузар пиёдаларнинг қайси биридан сўраманг, қоидаларни биламан, ҳозир жуда шошиб турувдим-да, деб жавоб қайтаришади. Ҳамма шошади. Уйга, ўқишга, учрашувга, дам олишга шошиш билан бирга ўз-ўзимизга зарар етказишга, ҳаётимиз, соғлиғимизни хавф остига қўйишга ҳам шошамиз. Эҳтимол, бу шошишимиздан ёнимизда ҳаракатланаётган бошқа биров азият чекиб қолиши мумкиндир. Шошманг, азизлар!

М. ИБРОҲИМОВА,
Республика ИИВ ДАН
Бошқармаси катта инспектори, милиция капитани

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги 22-ўрта мактабда ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар ходимлари билан қонунчилик асослари, ҳуқуқий таълим ва тарих мавзуларида тез-тез давра суҳбатлари бўлиб туради. Тарих ва ҳуқуқшунослик фанлари ўқитувчиси Курбон Усанов бошқараётган тўгарак самарали ишлар олиб бормоқда. Бу эса ёш авлоднинг ҳуқуқ маданиятини шакллантиришга ёрдам беради.

Суратларда: 1.Туман прокурори Э. Абзалов ҳамда халқ таълими бўлими мудири Ф. Раҳматуллаевлар ўқувчилар даврасида.

2. Мактаб ўқитувчиси Қ. Усанов ўқувчилар билан суҳбат ўтказаётган пайт.

3. Ўқувчилар навбатдаги машғулотда.

Р. АЛЬБЕКОВ суратлари.

ШЕЪР ЁЗГАН ИҚТИСОДЧИ

Бу йигитнинг дастлаб онаси билан танишдик. Кейин сабоқдошларининг у ҳақдаги яхши фикрларини эшитдик. Тўғрироғи, бировга кўрсатиб, кўрсатмай шеърлар битиб юрган бу йигитга меҳримиз тушди.

Биз билган маълумотлар: ***Ҳусан Миёнмаликов 1977 йил Маннон Уйғур номли 22-мактабнинг 8-синфини битқазгач, ўқишни С. Сирожиддинов номли махсус физика-математика фанига ихтисослашган лицейда давом эттирган. Ҳозир Жаҳон Иқтисоди ва Дипломатия Университети II курс талабаси.***

— Ҳусанжон, мактабда яхши ўқиб ҳам ўқишга кириш мумкин эди-ку?

Ўзимни —оввора қилиб иккинчи мактабга ўтишимнинг асосий сабаби — ўқишга кириш учун эмас, балки математика фанини пухта ўрганиш эди. Мактабда ҳам яхши ўқитишади, аммо махсус лицей бошқачароқ-да. Қолаверса, Ҳасан ҳам, мен ҳам иқтисодчи бўлмоқчи эдик-да.

— Мана, талабасиз, сиз учун синов ўрнига рейтинг, имтиҳон ўрнига тест ўтказилаётгани қийинчилик туғдирмаяптими?

— Йўқ аксинча, тест синовлари менимча ҳаққонийликнинг рўёбга чиқишига ёрдам беради.

Рейтинг бўлса ундан ҳам аъло, талаба нафақат қишки ёҳуд ёзги синовда балки, бутун ўқув йили мобайнида имтиҳонларга тайёр бўлишга мажбур.

— Ҳозир талабани кўпроқ нима қийнаяпти?

— Баъзилар айтаётган иқтисодий қийинчиликлардан кўпроқ, дарс бераётган домлаларнинг илм даражаси. Кўпинча улар эскича усулда дарс ўтишни ёқтиришади.

— Қайси мамлакат талаба ёшларининг ҳаёти сизни қизиқтиради?

— Америка, Олмония ва япон ёшларининг. Тўғрироғи, уларнинг билимга чанқоқлигига ҳавасим келади.

Биз билган маълумотлар: Ҳусанжон «Умид» жамғармаси танловида қатнашиш ниятида. Энг яқин маслаҳатчиси ва ўртоғи Тошкент Иқтисодиёт Университети талабаси, акаси Ҳасанжон.

У ёзади:

Эй камолот тоғининг
камол чўққиси
Билинки, мен сенга
талпингум ҳар дам.
Йиллар ўтсин бир кун
забт этгум сени
Сен қанча-қанчалар
баланд бўлсанг ҳам.

— Ҳусанжон, иқтисод билан адабиёт бўлак-бўлак нарса. Шеърият эса...

— Ҳамма соҳадагиларнинг ҳам юраги бўлади-ку. Шоирликка даъвогарлигим йўқ, аммо нимадир қоралагим келади...

Кечган умр, йилларинг
унут,
Унут чеккан
азоб-кулфатни.
Бу оламдан фақат
бахтинг кут,
Унутма ҳеч
сабр-тоқатни.

Бир сен эмас оламда
танҳо,
Кунлар санаб ўз бахтин
кутган.
Сен-ку майли, ҳаттоки
гадо,
Оллоҳдан деб ғамин
унутган.

Қилгин бугун
тоат-ибодат,
Қалбда имон яшнасин
фақат.
Келса ҳамки, эрта
қиёмат,
Билки, насиб сенга
шафоат.

Л. КАРИМОВА

Маънавият қирралари

ВАЛИЙЛАР КИМЛАР?

“Ул сафо аҳли пок фар жоми,
Пок фар жому пок фар Жомий”.
Алишер Навоий “Арбаин”

Аждодлар руҳини шод этмак ҳидоятига эришар эканмиз, буюк имкониятга шукроналар айтиб, уларнинг нур тўла ҳаёт йўлларига назар ташламак, ёки уларнинг буюк даҳолик таърифлари уммонидан авлодлар қалбига шифобахш томчи бахш этмоқ учун бошлаган ушбу ишимизни Яратганнинг ўзи хайрли қилган бўлсин.

Муҳаммад Сиддиқ Рушдийнинг “Авлиёлар султони” китобидаги туронлик валийлар ҳақида ҳам ажойиб маълумотлар берилганлиги қувонарли ҳолдирки, аждодларимиз орасида кўплаб сирли қобилият эгалари яшаб ўтганлар. Бу ҳақда Фаридиддин Атторнинг “Тазкиратул-авлиё”, Абдураҳмон Жомийнинг “Нафохатул-унс”, Алишер Навоийнинг “Насоимул-муҳаббат”, Али Сафийнинг “Рашаҳот” (Томчилар) асарларида батафсил маълумотлар берилгандир.

Авлиё (валий)лар кимлар?

Улар бўлажак ҳодиса, воқеаларни олдиндан айтиш, ғойибдан хабар бериш қобилиятига эга бўлган, мўъжизалар кўрсата оладиган, худонинг энг севимли бандалари ҳисобланганлар.

Алишер Навоий ўзининг “Насоимул муҳаббат” асарида:

“Авлиёуллоҳ (Худонинг дўстлари)га воқеъ бўлган хавориқ (одатдан ташқари) одатлар ва карометлар уларнинг мартабаси каби кўпдир” -- деб уларни бирма бир санаб ўтади. Масалан, дуоларнинг ижобати, оз муддатда узоқ масофадаги ва “ҳисдин ташқари ишларга хабардорлик”, битта замонда туриб узоқ ва турли маконларда ҳозир бўлмоқ: жонсиз нарсалар, ўсимликлар ва ҳайвонот каломини тушуниш: баданда ҳаддан ортиқ кучга эга бўлмоқ; дарахтни тубидан қўпормоқ ва қўл ишорати бирла мухолифининг бошини эгмоқ; сув устида юрмоқ, ёмғир ёғдирмоқ, шамол эстирмоқ ва сел келтирмоқ ёки даф қилмоқ; биёбонда саргардон бўлганларни қўллаб, хайрихоҳлик қилмоқ ва бошқалар.

Алишер Навоийдек буюк шахснинг таърифи билан айтганда, “Сафо жомининг софи ошоми Мавлоно Нуриддин Абдураҳмон Жомий...” ҳам ана шундай сирли қобилият соҳиби бўлган экан. Бутун дунёга Жомий таҳаллуси билан танилган, адабиётшунос олимлар томонидан Платон, Руставели, Данте, Шекспир, Пушкин, Гёте ва Толстойлар билан тенглаштирилган Нуриддин Абдураҳмон ибн Низомиддин ибн Шамсуддин Муҳаммад (1414-1492) форс-тожик адабиётининг йирик намоёндаси, серқирра ижод соҳиби бўлган. Унинг ҳақида Навоийдан тортиб то сўнгги давргача кўплаб олимлар китоб, мақола ва рисолалар битганлар. Лекин унинг ҳаёти ва ижодий фаолиятини тадқиқ этишда унга замондош, дўст, ҳаммаслак бўлган Алишер Навоий (1441-1501) мероси муҳим ўрин тутади.

Навоий Жомийни авлиё сифатида таърифлар экан, бунда муболаға ёки бўрттириш йўқлигини Жомий ҳаёти ва фаолиятидан олинган қизиқарли ҳикоялар, лавҳалар ва фактлар билан далиллайди. Жумладан, “Насоимул-муҳаббат”да ҳикоя қилишича, ўша даврнинг мўътабар зотларидан бири -- Хўжа Муҳаммад Порсо Жом вилоятидан ўтиб бораётганида унинг зиёратига отаси билан бирга борган 5 ёшли Жомийга ул зот бошқача илтифот қилиб, бир бўлак новвот тутқазадилар. Жомий: “Бу кун ул тарихдан олтмиш йилдирки, ҳануз хилъатларининг сафоси менинг кўзимдадур, ул назарнинг баракотидин эркин ва улушим улдурки, ушбу робита юмнидин аларнинг муҳиблари ва мухлислари орасида машҳур бўлғаймен”, -- деб таъкидлайди.

Жомий ўзини валий сифатида намоён қилган воқеаларга шаҳсан гувоҳ бўлган Навоий ана шу ҳолатларни “Хамсатул-мутаҳаййирин” асарида ҳам келтириб ҳайрат изҳор қилади. Кунларнинг бирида шундай бир воқеа бўлади: Хирот кўчаларидан бирида кетаётган Жомийни ғоят фақирона кўриниши туфайли танимаган бир маст девона унга тош отиб, мазах қилиб, озор беради. Кейинги кун Жомийни давлат арбоби Навоий билан бирга кўрган девона ундан узр сўрай бошлайди. Ҳайрон бўлган Навоийдан Жомий ушбу ҳолатнинг сабабини яширади. Суриштириб билгач Навоий бу беадаблиги учун девонани жазоламоқчи бўлади. Жомий эса: “Сен ҳеч нима демагилким, анга адаб етқусидир”, -- деб уни қайтаради.

Халқимиз орасида ўзаро тилак билдирувда “Ёмон кўзу ёмон сўздан ўзи асрасин”, деб ният қилинади. Дарҳақиқат, юксак эътиқодли бандалар доимо ўзининг паноҳида бўлар эканлар. Навоийнинг ҳикоя қилишича, Музаффар барлоснинг навкарларидан бири Жомийга қаршилиги туфайли унинг девонини парчалаб, ўтда куйдиради. Уч-тўрт кун ўтмай баданига тузалмас яра чиқиб, газак олиб вафот этади.(Ўша асардан).

Жомий вафотидан ўттиз беш йил бурунроқ Хожа Ҳофиз Фиёсиддин Муҳаммад Деҳдорнинг тушига кириб: “Қуръон биҳон”, (“Қуръон ўқи”) деб айтади. Вафот бўлур йили Хожа Деҳдор Навоий топшириғи билан Астрободга борган ва ўз ишларини вақтлироқ саранжомлаб Хиротга қайтиб келганда Жомий жон талвасасида ётар ва унинг бошида қуръон ўқиганни ҳеч қандай ҳофиз йўқ эди. Шу маҳалда у етиб келиб, қуръон ўқий бошлайди. Хатмни тугатиши биланоқ Жомий жон беради. Навоий “Бу навъ каромат авлиёнинг комидин бўлмиш бўлғайким, ўттуз йил ортиқроқдин сўнгра натижа зоҳир бўлмиш бўлғай”, -- деб ёзади. (Ўша асардан).

Наргиза ҚОСИМОВА,
Фарғона Давлат Университети талабаси

Дил тугени

ЎЗБЕКЛИГИНГ ЎЛМАСИН ЎЗБЕК

Оҳангаронданқайтаётган эдик... Ғизиллаб машиналар ўтиб турган катта йўл четида тобут кўтарган тумонат одам. Яқиндагина ҳаммани маънавият, маърифат ҳақидаги сўзлари билан лол қолдирган акахон машинасини бироз тўхтатган бўлди-да, яна ғизиллаб тобуткашлардан ўтиб кетди. Мен ёнимдаги Ирода опага қарадим. Машина тўхтади. Олдиндаги хозиргина менинг нафратимга дучор бўлган икки эркак бир-бирига бир сўз демай яқинлашган тумонатга қараб юришди. Тобут улар қўлига ўтди. Шунда кимгадир эшиттириб-эшиттирмай дилимдаги сўзни тилимга чиқардим.

— Ўзбеклигинг ўлмасин ўзбек.

* * *

Уруш ўз ажал уруғини олис юртдаги чекка қишлоққа ҳам солиб бўлган. Очарчилик, йўқчилик ҳамманинг силласини қуритган. Сарҳат холанинг икки қизи ва бир ўғли оғир бетоб. Бугун оиланинг ташвиши эса катта ўғли Муҳаммаднинг бўйинида. Аммо у урушга керак. Раис буни кўп бор тушунтирган. Раис бу гал ҳарбий кийинган ўрисни етаклаб келди. Сарҳат хола аҳволни кўрсатди.

— Биз ҳам очмиз, мана бу биродар ҳам,- деди раис. — Билсангиз у икки йил ичида тўйиб нон еганини эслолмасмиш.

Сарҳат хола сандал кўрпасини кўтарди. Бир чети тишланган оппоқ нонни раисга узатди.

—Олинг раис, бизникига келган меҳмон оч қолса уятда...

Раис бир нима демади. Букилиб дарвозадан чиқди. Ҳеч нарсага тушунмаган «меҳмон» эса ҳайрон эди.

* * *

Тўлқин ака билан «Бухоро - Тошкент» поездида учрашдик. Асли қўқонлик уста бўлиб, Арк таъмири учун Бухорога келган экан. Ҳамроҳ билан бир пастда гапимиз чиқишиб қолди. Унинг айниқса, миллат, Ватан ҳақидаги ўзидек содда, самимий сўзлари нафақат мени, эллликни уриб қўйган Гули опани ҳам узоқ ўйга толдирди ва Гули опа айтди:

— Шундай ўғилларим бор экан, яна эллик йил яшашга розиман.

ЛАЙЛО,
«Туркистон» мухбири

Бу-қизиқ

УЗОҚ УМР КЎРИБ ЮРИНГ

Инсон ҳаёти ёниб-ўчар нурга баробар...Шоир ушбу мисраларни беҳудага келтирмаган. Англия олимлари невролог Тони Бузан ва информатик Реймонд Кинлар ҳар бир инсон қанча умр кўришига оид тахминий истиқбол жадвалини ишлаб чиқишди. Албатта, буни инсоннинг қанча умр кечиришини қатъий белгилаб берувчи аниқ усул деб бўлмайди. Шунчаки тахмин ва фаразлар дегандек... Ҳар ким ўзи яшаётган мамлакатдаги ўртача умр кўриш кўрсаткичига "ишлаб орттирилган" йилларни қўшади, "йўқотилган" йилларни эса айириб ташлайди.

ОРТТИРИЛГАН ЙИЛЛАР

Бу борада бизнинг фойдамизда ота-она, буви-буваларимиз яқиндан кўмаклашмоқда. Агар онамиз 80га кирган бўлсалар, ўз умримизга 4 йил, отамиз шу ёшга кирган бўлсалар унда 2 йил қўшамиз, 80дан ошган бувамиз учун бир йил, 70 йилдан кўпроқ яшаган бўлсалар ярим йилдан қўшамиз. Шунинг билан бирга сиз оилада нечанчи фарзанд эканингиз ҳам муҳим аҳамиятга эга. Агар биринчи ва ҳатто якка фарзанд бўлсангиз ҳам бир йилдан сизга қўшилади.

* Узоқ умр кечириш энг аввало бизнинг ўзимизга боғлиқ. "Яхши хулқ" билан умримизни 20 йилга узайтиришимиз мумкин!

* Келажакка ишониб, ортиқча кўнгилсиз ҳодисаларни четлаб ўта олсак, қўшимча 4 йил ютамиз.

* Доимо спорт билан шуғулланиб, соғлом турмуш тарзи кечирганимиз учун 3 йил қўшилади.

* Ўзингизга ёққан киши билан ҳаёт кечирганлик учун икки йил қўшилади.

* Ўзига маъқул жонивор боқиш учун икки йил қўшилади.

* Ўртачадан юқорироқ тафаккур эгаси бўлсангиз, икки йил, агар том маънода "ўқиб, уққан" одам бўлсангиз унга яна бир йил қўшилади.

* Касбингиз учун 18 ой, тўғри танланган касб учун эса бир йил қўшимча киритасиз.

* Хобби учун-- икки йил.

* Мева-сабзавотли парҳез учун бир йил қўшасиз.

* Мунтазам тиббий кўрикдан ўтиш учун икки йил қўшилади.

ЙЎҚОТИЛГАН ЙИЛЛАР

Минг афсуски, қариндошуруғлар ҳаётимизни қисқартириши ҳам мумкин. Юрак хасталиги билан вафот этган бувамиз 4 йилни олиб қўйади. 60га чиқмасдан ҳаётдан ўз ўлими билан кўз юмган ота ёки она туфайли икки йилдан йўқотамиз. Лекин кўпинча инсон ўз умрига ўзи зомин бўлиши ҳам мумкин. Демак...

* Кунига 40 тадан ортиқ сигарет чексангиз 12 йилни айриб ташланг, 20-40 тагача сигарет чексангиз 7 йилга камайтиринг.

* Кунига тўрт рюмкадан ортиқ ичсангиз 8 йилни олиб ташланг.

* Ажримдан сўнг, якка ўзингиз яшасангиз, эркаклар 9 йилни айириб ташланг, аёллар учун бу 4 йилни ташкил қилади; умр йўлдошингиз вафотидан кейинги танҳоликда кечган йиллар учун эркаклар 7 йил, аёллар 3,5 йил йўқотади.

* Тез-тез касалликка чалиниши оқибатида беш йил йўқотади.

* Беш соатдан кам уйқу ёки ўн соатдан ортиқ уйқу-- икки йил йўқотади.

* Мунтазам равишда ўтириб ишлашда ярим-- йил йўқотилади.

* Аёллар учун фарзандсизлик-- ярим йил камаяди.

* Шаҳардаги ҳаёт-- бир йил йўқотилади.

* Ортиқча вазн-- икки йил камаяди.

Шундай қилиб, қанча ҳаёт кечиришимиз аксарият ҳолларда фақат ўзимизга боғлиқ. Имконият ҳам фақат ўз қўлимиздадир.

Хорижий матбуот саҳифаларидан
НАРГИЗА тайёрлади

ОЛИЙ ХЎЖАЛИК СУДИНИНГ “ХЎЖАЛИК ВА ҲУҚУҚ”-- “ХОЗЯЙСТВО И ПРАВО”ЖУРНАЛИ ҚОШИДАГИ “ЎҚУВ МАРКАЗИ”

ҚИСҚА МУДДАТЛИ МАЛАКА ОШИРИШ КУРСЛАРИГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Ўқув курсларига мулкчилик шаклидан қатъи назар барча хўжалик раҳбарлари, банк, ҳисоб-бухгалтерия, кадрлар билан ишлаш ходимлари, корхона ва ташкилотлар юристлари ва тадбиркорлар таклиф этилади.

Фуқаролик ва хўжалик қонунчиликларини амалда қўллаш асослари бўйича Республика Олий хўжалик судида назарий ва амалий, Республика солиқ қўмитаси, иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси ва биржа марказларида амалий машғулотлар ўтказилади.

Машғулотлар олимлар, юқори малакали ҳуқуқшунослар, иқтисодчилар, Олий хўжалик суди судьялари, АҚШ, Германия, Россия Федерацияси ва бошқа мамлакатлар мутахассислари томонидан олиб борилади.

Тел: 77-18-36, ички тел: 612 ёки 231
Манзилгоҳ: Тошкент ш., Чилонзор, квартал-Ц, 700097, Волгоград кўчаси, 6-уй.

Ҳомиладорликнинг олдини олувчи таблеткалар - туғруқлар ўртасидаги оралиқни узайтиришнинг ажойиб воситасидир.

Таркибида гармонлар миқдори кам бўлган таблеткалар бехатар, ишончли ва безарардир.

Таблеткалар қўлланишда жуда содда: ҳомиладорликдан сақланиш учун кунига битта таблеткани қабул қилинг.

Агар фарзанд кўришга қарор қилсангиз, унда таблеткалар ичишни тўхтатинг.

Ҳомиладорликнинг олдини олувчи таблеткалар оддий, ишончли, самаралидир.

“Қизил олма” дастури масалалари бўйича қуйидаги телефон орқали мурожаат этинг 78-41-43

Муассис:
УЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ
Ҳомий:
УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «МАТБУОТ ТАРҚАТИШ УЮШМАСИ» АССОЦИАЦИЯСИ

Бош муҳаррир
Абдуқодир НИЁЗОВ

Навбатчи муҳаррир: Суннат АЗЛАРОВ

ТАҲРИРИЯТ:
Қабулхона — 136-56-58, 133-95-97; хатлар бўлими — 136-54-64; тижорат бўлими — 133-79-69; иқтисод-сиёсат бўлими — 136-54-64; спорт, ҳарбий ватанпарварлик бўлими — 136-58-93, маданият — 136-58-48.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083 Тошкент Матбуотчилар кўчаси, 32—уй Нашр кўрсаткичи 64607

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Дизайн устаси: С.ФАЙЗУЛЛАЕВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00012 «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси
Буюртма Г. — 0661. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41
Ҳажми — 2 табоқ Тираж: 11.024 Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2 Босишга топшириш вақти ——21.30